

БАДИИЙ МАТН ТАРЖИМАСИДА РЕАЛИЯЛАР СЕМАНТИКАСИНИНГ ИФОДАЛАНИШИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.8093755>

РУСТАМОВА Муслимахон

Таянч докторант, ТДШУ

АННОТАЦИЯ

Маълум бир халқнинг маиший ҳаёти, миллий ўзига хослиги, маданияти ижтимоий турмуши ва тарихий тараққиётигагина тааллуқли бўлган бирликлар, сўзлар ва сўз бирикмалари фанда реалиялар термини билан ифодаланади. Улар миллий ва тарихий колоритни ўзида мужассамлаштирганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Мақолада таниқли япон адиби Абэ Кобонинг “Қумдаги хотин” асари таржимасида қўлланган айрим реалиялар ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар. Абэ Кобо, “Қумдаги хотин”, бадиий таржима, реалия, миллий колорит.

ABSTRACT

The units, words and combinations of words that relate only to the domestic life, national identity, culture, social life and historical development of a certain nation are expressed in science by the term "reality". They are of special importance as they embody national and historical color. The article talks about some of the realities used in the translation of the work "Woman in the Sand" by the famous Japanese writer Abe Kobo.

Keywords. Abe Kobo, "Woman in the Sand", literary translation, reality, national color.

АННОТАЦИЯ

Единицы, слова и словосочетания, относящиеся только к быту, национальному самосознанию, культуре, общественной жизни и историческому развитию определенного народа, в науке выражаются термином «действительность». Они имеют особое значение, так как олицетворяют национальный и исторический колорит. В статье говорится о некоторых реалиях, использованных в переводе произведения «Женщина в песках» известного японского писателя Абэ Кобо.

Ключевые слова. Абэ Кобо, «Женщина на песке», художественный перевод, реальность, национальный колорит.

Дунё тилшунослигида бадиий асар тили турли аспектларда тадқиқ қилинади ва ёндашувлар ҳам шунга кўра турли шаклларда бўлади. Манбаларда таъкидланишича: “бадиий асар тилининг луғавий-услубий, лингвомаданий ва лингвопоэтик хусусиятларини ўрганиш; бадиий нутқнинг эмоционал-экспрессив лексикасини тадқиқ қилиш; муайян халқ бадиий адабиёти тилининг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш; бадиий асарларда учрайдиган турли нутқ услубларига хос сўзларни услубий хусусиятларини ўрганиш; тасвирий воситаларнинг бадиий нутқнинг бадиий-образлилигини таъминлаш даражасини белгилаш; бадиий матнларни лингвопоэтик таҳлил қилиш орқали ижодкор маҳоратини очиб бериш” кабилар устувор йўналишлар ҳисобланади.

Маълумки, реалиялар дейилганда маълум бир халқнинг маиший ҳаёти, миллий ўзига хослиги, маданияти ижтимоий турмуши ва тарихий тараққиётигагина тааллуқли бўлган аломатлар, сўзлар ва сўз бирикмалари тушунилади. Улар миллий ва тарихий колоритни ўзида мужассамлаштирган бўлади.

Реалия таржимашунослик, қиёсий-тилшунослик, маданиятшунослик, этнолингвистикага оид тадқиқотларда тиллараро ва маданиятлараро фарқларни ўрганишда муҳим

ўрин тутади. Реалия маданий муносабатлар даражасини ёритишга хизмат қилади, халқнинг турмуш тарзига оид тушунчаларни акс эттиради. Реалия таржимаси муаммоси бўйича таржимашуносликда анчагина тадқиқотлар яратилган. Бу борада Европа, хусусан, рус ва болгар олимлари етакчилик қилишади. Ўзимизда ҳам реалия таржимаси масаласи анчадан бери ўрганиб келинади. Фақат у бошқа атамалар билан номланиб келинган. Жумладан, *хос сўз, миллий ўзига хослик, миллий колорит, тарихий-миллий хос хусусият, имо-ишора* ва *турқ тароватга оидлик, ғайрилисоний воситалар* кабилар.¹

Реалиялар бўйича муҳим тадқиқотларни амалга оширган Сергей Влахов, ва Сидер Флорин томонидан ишлаб чиқилган таъриф мазкур ҳодиса моҳиятини нисбатан аниқроқ акс эттиради: “Реалиялар – муайян бир халқнинг ҳаёти, турмуши, урф-одатлари, маданияти, ижтимоий тараққиётига оид нарса, предмет, воқеа-ҳодисаларни ифодаловчи сўз ва сўз бирикмалари бўлиб, улар миллий ва даврий хусусиятга эгадирлар.”² Унғача ҳам кўплаб олимлар томонидан реалиялар таърифи таклиф қилинган. Масалан, О.С.Ахманова луғатида реалиялар шу тарзда изоҳланади: Реалиялар (лот. *realia*): 1.Классик грамматикада мазкур тилда уларни намоён этиш нуқтаи назаридан келиб чиқиб, ташқи лингвистика фани ўрганувчи, мазкур мамлакатнинг давлат тузуми, ана шу халқнинг тарихи, маданияти ва айнан шу тилда сўзлашувчиларнинг тил ва алоқалари ҳамда бошқа турли хил омиллар. 2.Мавжуд маданият предметлари. Тилшунос Мира Лазаревна Вайсбурд реалия ҳодисасини ўлкашунослик доирасида тушунтиради: “Бу маълум бир мамлакат ижтимоий ва маданий ҳаёти воқеалари, ижтимоий корхона ёки ташкилотлар, кундалик нарса ва буюмлар, тарихий шахслар ҳамда бошқа кўплаб нарсалар номларидан иборат тушунчадир”³. Рус олими Лев Николаевич Соболев реалияларни шу тарзда изоҳлайди: “Реалиялар – махсус хусусиятга эга бўлган, бир тилда ва бошқа мамлакатлардаги тиллар муҳитида эквивалентлари бўлмаган миллий сўз ва сўз бирикмалардир”⁴. Бошқа бир таржимашунос олим В.М.Росселс реалияларнинг таржима қилинаётган тилга кириб келган ва аслият тилида муайян миллий, маҳаллий нарса ва предмет ёки тушунчаларнинг номини ифодалайдиган сўзлар сифатида талқин қилади⁵. Таржимашуносликнинг йирик наразийгчиларидан бири бўлган Леонид Степанович Бархударов ўзининг “Язык и перевод” номли китобида реалияларга қисқа ва лўнда таъриф берган: “Реалиялар – шундай сўзларки, улар бошқа тилда гаплашувчи халқларнинг тилларида, амалий ҳаётларида мавжуд бўлмаган лексик бирликлар ҳисобланади.”⁶ Яна бир рус олимаси Л.И. Сапогованинг фикрича, реалия сўзлар деганда тилга ўзлаштирилган сўзларнинг бири назардат тутилиб, улар чет тилидаги маиший ва маҳаллий нарсаларнинг номларини ифодаловчи махсус сўзлар билан максимал даражада оҳангдошликка эга бўлади.⁷ Тилшуносликда ўтган асрнинг 50-йилларига келиб муҳим аҳамиятга эга лисоний ҳодиса сифатида таъкидлана бошланди. Реалия терминига дастлаб, К.Х.Ҳендшин таъриф берган, кейинчалик О.Ахманова, В.Гак, Л.Келли, Е.Верещагин, В.Костомаров, С.Влахов, С.Флорин, Г.Томахин, С.Тюленов, Ю.Шабанова, Ю.Привалова каби тилшунослар реалияларни таржима назарияси ва амалиёти билан боғлиқ тадқиқотларида ёритишган. Д.Е.Розенталь, М.А.Теленковалар реалияларни сўзнинг номинатив маъноси учун асос бўлиб хизмат қилувчи, мавжуд маданият предметлари сифатида изоҳлаганлар.

“Аксарият ҳолларда аслият ва таржима тилларида бир хил фикр ифодаланади, бироқ улар образлари билан бир-биридан фарқ қилади. Уларнинг ҳар иккиси бир хил кўчма

¹ Бу ҳақда қаранг: Садиқов З. Қадимги туркий реалиялар таржимаси. Монография. –Наманган: “Vodiy Media”, 2021. –Б.4

² Влахов С., Флорин С. Непереводимые в переводе. – Москва: Просвещение, 1986. –С.48.

³ Вайсбурд М.Л. Реалии как элемент страноведения. – Рязань, 1972. –С.98.

⁴ Соболев Л.Н. Пособие по переводу с русского языка на французский язык. – Москва: Просвещение, 1952.-С.281.

⁵ Россельс В.М. Эстафета слова. Искусство художественного перевода. – Москва, 1972. –С.67.

⁶ Бархударов Л.С. Язык и перевод. – М.: Международные отношения, 1975. – С. 27.

⁷ Сапогова А.К. Реалия и заимствования. Учебное пособие. – Москва, 1979.-С.54-60.

маънога эга бўлади. Бундай ҳолларда образлар ўртасида мавжуд озгина фарқ ҳисобга олинмаслиги лозим.”⁸

“Япон тилида хурмат маъносини ифодалашда исм-фамилиядан сўнг “сан” суффикси кўшилади. Масалан:

1. Rao san wa indo no gakusei desu ka?
2. Sato san, kore wa anata no heya no kagi desu.
3. Minna san, kono kata wa Suzuki sensei desu.

(1. Жаноб Рао ҳиндистонлик талабами? 2. Жаноб Сато бу калит сизнинг хонангининг калитидир. 3. Хонимлар ва жаноблар, мана бу муҳтарам зот Сузуки муаллимдир. – таржима бизники, М.Р.)

Юқорида берилган жумлаларда хурмат шакл ифодаланганлигини кўришимиз мумкин ва таржимада бу ўз муқобили билан берилиши табиийдир. Ўзбек тилида сўзлашувчилар “сан” суффиксини хурмат маъно ифдалашни билсалар-да. Таржимада бу каби ифода усули инглиз тили сўзлашувчиларга нисбатан жуда кам ишлатилади. Бундан ташқари ўзбек тилида сўзлашганда суҳбатдошнинг статусини кўрсатадиган алоҳида бир сўз тури мавжуд эмас. Ваҳоланки, ўзбек тилида ҳам “сан” сўзига муқобил сифатида “жаноб” ёки “хоним” каби сўзлар мавжуд бўлса-да. Одатда, ўзбек тилида ўзаро хурмат шакли иккинчи шахсга нисбатан “сиз” олмошини қўллаш ва феълнинг махсус грамматик шакли билан ифодаланади. Биринчи мисолда япон тилининг ўзига хос хусусияти яъни суҳбатдошга нисбатан учинчи шахсда мурожаат қилинган. Чунки бу тилида иккинчи шахсга нисбатан мурожаат қилиш хурматсизлик маъносини билдириши мумкин.”⁹

Япон адабиётидан ўгирилган бадиий асарларда “устоз” маъносидаги японча сўз ўрнида “сэнсэй” сўзини қўллаш деярли анъанага айланган. Бунда матннинг япон лингвомаданиятига хослиги қабарик ҳолда таъкидланиши билан бирга, “янгилик”, “кўникилмаганлик”, “ғайриодатийлик” маънолари ҳам таъсирчан таързда ифодаланганлиги сезилиб туради. Масалан, *Бу англашилмовчилик, сэнсэй... ўкинчли англашилмовчилик... (262-В)* Таржимада бемалол “сэнсэй” сўзи ўрнида “устоз” сўзини қўллаш мумкин эди. Ва мазкур сўзнинг ўзбек тилидаги муқобили ҳам, айнан, “устоз” сўзи бўлади. Бироқ мазкур сўзнинг реалия сифатидаги қўлланишида “сэнсэй” сўзининг япон лингвомаданиятидаги семантик қўламининг ўзбек тилидаги “устоз” сўзи ифодалаган маъно қирраларига кўра муайян даражада фарқланиши асос бўлган. Япон лингвомаданиятида “сэнсэй” сўзи мурожаат бирлиги сифатида нисбатан фаол қўлланади. Яъни, ёши улуғ ва нотаниш кишиларга ҳам хурмат маъносида “сэнсэй” мурожаат бирлиги қўлланиши мумкин. Ўзбек тилидаги муқобили бўлган “устоз” сўзи эса бу маънода нисбатан чеграланган. Қуйидаги суҳбатда ҳам айни сўз шогирдинг ўз устозига нисбатан мурожаатини эмас, балки ёши ёки мавқеига нисбатан хурмат ифодаси тарзида ишлатилган:

Ўйлашимча, Танака Итиро исмли марсликда ҳам ҳайратланарли нарса йўқ...

– Сиз муттаҳамсиз!

– Илтимос қиламан, сэнсэй... Сизни огоҳлантирганман-ку...

*У бу сўзларни бетимга тик қараб, бошини елкаси ичига тортиб, ва худди оғриққа чидай олмайгандек лабларини тишлаганча хириллаб айтди.*¹⁰

Кобо Абенинг “Худди одамдек” номли асарини Эркин Эрназаров рус тилидан таржима қилганда ҳам “сэнсэй” сўзини тўлиқ сақлаб қолади.

⁸ Гафуров И., Мўминов О., Қамбаров Н. Таржима назарияси. -Т.: "Тафаккур бўстони", 2012, -Б.153. (-216 б.)

⁹ Алпатов В. М. Япония: язык и культура. М. : Языки славянской культуры, 2008. 208 с. Бу ҳақда қаранг: Лутфуллаев Ф. Япон тили бирликларининг таржимада ифодаланиши. / “Таржимашуносликнинг долзарб масалалари: таржима назарияси ва амалиёти, таржима тарихи, лингвокультурология ва туризм соҳаларининг узвий боғлиқлиги” Республика илмий-амалий анжуман метариаллари тўплами (12 ноябрь) -Тошкент, 2019. - Б.102-105.

¹⁰ Кобо Абе. “Худди одамдек”, Эркин Эрназаров тарж. “Жаҳон адабиёти” журналы, 2011 йил, 6-сон.

– Сиз, *сэнсэй*, ҳали ҳам тушунмаяпсиз... Таширифим сиз учун нақадар катта аҳамиятга эга эканини тушунмаяпсиз... Йўқ, тушунмаяпсиз. Мен деворга гапирётгандекман. Ахир баҳонгизни беш қўлдай биламан-ку, *сэнсэй*.¹¹

Япон адабиётининг таниқли вакили, забардаст ёзувчи Акутагава Рюноскэнинг асарлари кўплаб дунё тилларига таржима қилинган. Ўзбек китобхонлари ҳам унинг “Ду Цзичун” (Мавлуда Иброҳимова таржимаси), “Ғалати воқеа” (Аҳмад Аъзам таржимаси), “А-ба-ба-ба-ба” (Ойдиннисо таржимаси), “Афсунгарлик мўъжизалари” (Дилшодбек Асқаров таржимаси), “Дўзах азоблари” (Сайди Умиров таржимаси), “Лойхўрак” (Ойгул Асилбек кизи таржимаси), “Расёмон дарвозаси” (Мавлуда Иброҳимова таржимаси), “Сувости мамлакатаида” (Ойдиннисо таржимаси), “Фидойи” (Сайди Умиров таржимаси) каби ҳикоя, новелла ва қиссаларини яхши билишади. Сайди Умиров таржимасидаги “Фидойи”¹² ҳикоясидан олинган куйидаги парчада ҳам “сэнсэй”, асосан, “жаноб”, “муҳтарам” каби маъноларда қўлланилган.

– *Хўп бўлмаса, Сэнсэй, яқин ўртада албатта бир шеър ёзасиз деб ишонаман. Келишидикми? Ёдингиздан чиқмасин-а! Энди бўлса бу мавзуга қайтмайлик. Биламан, сиз ўта банд одамсиз, лекин йўлингиз тушганда, биз томонларга марҳамат қилсангиз. Ижозатингиз билан сизникига кириб ўтарман! – Бакиннинг орқасидан бақирди Хэйкити. Унинг бир кўзи тўсиқ томон бораётган Бакинда эди, сочигини яна бир марта ювиб сиқди, кейин Кёкутэй-Сэнсей билан учрашганини хотинига қай йўсинда айтишини ўйлай кетди.*

Реалиялар фақат таржима қилинмайдиган сўз ва тушунчалар билан чегараланиб қолмайди. Тилшунос Г.Д. Томахин реалияларни маълум бир халқнинг турмуш тарзига алоқадор, идорий бошқарув механизмларига тааллуқли унсурларни ҳам ифода этишини таъкидлайди¹³. Олим реалияларни куйидагича тасниф қилади:

1. Географик номлар (топонимлар), айниқса, маданий-тарихий ассоциацияларга эга бўлганлари. 2. Антропонимлар - тарихий шахслар, жамоат арбоблари, олимлар, ёзувчилар, рассомлар, машҳур спортчилар, бадиий адабиёт ва фольклор қаҳрамонларининг исмлари. 3. Адабиёт ва санъат асарларининг номлари; мамлакат ҳаётидаги тарихий фактлар ва воқеалар; давлат ва жамоат институтларининг номлари ва бошқалар. 4. Апеллятив лексика: 1) табиий географик муҳит, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси хусусиятларини билдирувчи географик атамалар; 2) давлат тузилиши, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаёти, ҳуқуқшунослик, ҳарбий ишлар, санъат, таълим ва бошқарув тизимига алоқадор меъёрларнинг номлари, ишлаб чиқариш муносабатларини тартибга солувчи ҳужжат номлари, кундалик турмуш, урф-одат ва анъаналарга оид айрим сўз ва тушунчалар.¹⁴

Кўринадикки, Томахин реалиялар таърифини қамров жиҳатидан анча кенгайтирган. Абе Кобонинг “Қумдаги хотин” асари таржимасида ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга алоқадор реалиялар учрайди. Масалан:

“Орадан етти йил ўтди, Фуқаролик кодексининг 30-моддасига биноан уни ўлганга чиқаришди.” (26)¹⁵

Маълумки, матндан олинган парчада ифодаланган *Фуқаролик кодекси* ўзбек китобхони учун ёки япон бўлмаган барча китобхонлар учун агнонимик тушунча. Шунингдек, унинг тегишли моддасининг мазмуни ҳам номаълум. Бироқ парчада ифодаланган маънони тушунса бўлади: “... 30-моддасига биноан уни ўлганга чиқаришди.” Демак, китобхон Япония Фуқаролик кодексининг 30-моддасида йўқолган одамдан маълум вақт мобайнида (асарда 7 йил бедарак кетганлиги қайд қилинган) хабар келмаса, ўлган ҳисобланиши ҳақидаги

¹¹ Кобо Абе. “Худди одамдек”, Ўша манба.

¹² Акутагава Рюноскэ. “Фидойи”. Сайди Умиров тарж. «Жаҳон адабиёти», 2016 йил, 12-сон.

¹³ Томахин, Геннадий Дмитриевич. Реалии - американизмы : Пособие по страноведению : [Для ин-тов и фак. иностр. яз.] / Г. Д. Томахин. - М. : Высш. шк., 1988. - 238 с.

¹⁴ Томахин, ўша манба. –Б.8.

¹⁵ Кобо Абе. “Қумдаги хотин”, Эркин Эрназаров тарж.

маълумотга эга бўлади. Реалияларни бу тарзда қўллаш мумкин. Чунки “хос сўз” ёки “хос ибора” туфайли ҳосил бўлган “бўшлиқ” унинг қуршови орқали тўлдирилади.

“Бир неча унинг томи қора черепица билан, баъзилари эса ҳатто қизил рангга бўялган тунука билан ёпилган эди.” (27)¹⁶ Мазкур парчадаги қора черепица ва қизил рангга бўялган тунука ифодалари ўзбек китобхонлари тасаввурида экзотик манзара ҳосил қилиши жиҳатидан аҳамиятли.

Бадий асарда қўлланадиган илмий терминлар ҳам, одатда, таржима қилинмайди. Реалиялар моҳияти ва таснифига бағишланган ишларда терминлар ҳам алоҳида реалия бирликлар сифатида тилга олинади. “Реалия ва термин. Бир қараганда реалия терминларга жуда яқин туради. Терминлар аниқ белгиланган муайян предмет ҳодисанинг биргина маънода қилишини ифодалайди. Терминларнинг синонимлари бўлмайди. Улар кўпинча чет тилидан кириб келган сўз ёки сўз бирикмалари бўладилар. Улар тарихан чегаралангандирлар. Аммо ана шу жиҳатларнинг кўпчилиги реалияларга ҳам дахлдор. Бироқ реалиялар лексик жиҳатдан чегараланмаган бўладилар. Бир қатор лексик бирликлар мавжудки, уларни бир пайтнинг ўзида ҳам реалияларга, ҳам терминларга мансуб дейиш мумкин. Айрим олимларлар, жумладан, таржимашунос А.Д.Швейцар ўз тадқиқотларида ҳатто “термин-реалия”¹⁷ тушунчасини ҳам ишлатади. Лекин бу икки тушунчани бир-бири билан аралаштириб юбориш ярамайди.”¹⁸ Дарҳақиқат, илмий терминларнинг кўпгина тилларда муқобили мавжуд бўлади. Реалиялар эса муқобилсиз лексика ҳисобланади. Шунингдек, илмий терминлар фан тушунчасини ифодалагани боис уларда муайян миллатга хослик англашилмайди. Асарда бундай терминлар талайгина: *Энтомологларнинг янги турларни топишдек ўзларига хос соддагина ва оддий эрмаклари бор. Бунга муваффақ бўлсанг, энтомология атласида янги топилган ҳашаротнинг узундан-узоқ лотинча илмий номи билан бир қаторда сенинг номинг ҳам пайдо бўлади, номинг унда абадулабад қолса ҳам ажаб эмас. (30-б.)* Муаллиф энтимологлар ҳақида сўз юритгандан кейин унинг япон лингвوماданиятига хос эмаслигини таъкидлаш ҳамда китобхонга тушунарли бўлиши учун ҳаволада энтимология фани ҳақида изоҳ (*Энтомология – зоологиянинг ҳашаротлар ҳақидаги бўлими*) қолдиради. Мазкур изоҳ асар таржимасида ҳам айна шаклда таржима қилинади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, реалияларни таржима қилиш масаласи таржимашуносликнинг энг муҳим ва хассос масалаларидан бири ҳисобланади. Муайян реалиянинг муқобилини топиш ҳам мураккаб, ҳам ижодий жараён бўлгани боис таржимондан катта маҳорат ва билим талаб қилинади. Таржимашунос А. Федоров таъкидлаганидек, “реалия – экстралингвистик тушунча бўлиб, табиатдаги жуда кўп ҳодисалар номининг бир тилдан бошқасига “ўтмагани” каби, реалиялар ҳам “таржима қилинмайди.”¹⁹

АДАБИЁТЛАР (REFERENCES)

1. Алпатов В. М. Япония: язык и культура. М. : Языки славянской культуры, 2008. –С.208.
2. Бархударов Л.С. Язык и перевод. – М.: Международные отношения, 1975. – С. 27.
3. Вайсбурд М.Л. Реалии как элемент страноведения. – Рязань, 1972. –С.98.
4. Влахов С., Флорин С.. Непереводимые в переводе. – Москва: Просвещение, 1986. –С.48.
5. Ғафуров И., Мўминов О., Қамбаров Н. Таржима назарияси. -Т.: “Тафаккур бўстони”, 2012, -Б.153. (-216 б.)
6. Кобо Абе. “Худди одамдек”, Эркин Эрназаров тарж. “Жаҳон адабиёти” журналы, 2011 йил, 6-сон.

¹⁶ Кобо Абе. “Қумдаги хотин”, Эркин Эрназаров тарж.

¹⁷ Швейцар А.Д. Перевод и лингвистика. – Москва, 1973. –С.253.

¹⁸ Садиқов З. Қадимги туркий реалиялар таржимаси. Монография. –Наманган: “Vodiy Media”, 2021. -Б.10.

¹⁹Федоров А. Основы общей теории перевода. – М., 1983. С.151.

7. Лутфуллаев Ф. Япон тили бирликларининг таржимада ифодаланиши. / “Таржимашуносликнинг долзарб масалалари: таржима назарияси ва амалиёти, таржима тарихи, лингвокультурология ва туризм соҳаларининг узвий боғлиқлиги” Республика илмий-амалий анжуман метариаллари тўплами (12 ноябрь) -Тошкент, 2019. -Б.102-105.
8. Россельс В.М. Эстафета слова. Искусство художественного перевода. – Москва, 1972. – С.67.
9. Садиқов З. Қадимги туркий реалиялар таржимаси. Монография. –Наманган: “Vodiy Media”, 2021. -Б.4
10. Сапогова А.К. Реалия и заимствования. Учебное пособие. – Москва, 1979.-С.54-60.
11. Соболев Л.Н. Пособие по переводу с русского языка на французский язык. – Москва: Просвещение, 1952.-С.281.
12. Федоров А. Основы общей теории перевода. – М., 1983.